

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НЕФТЬ-ГАЗ ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРИДАН КЕЛАЖАК ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Искендеров Алишер Базарбаевич,  
Длимбетов Қуандық Жумагалиевич.

Нукус Давлат педагогика институти

[alisher-iskenderov@mail.ru](mailto:alisher-iskenderov@mail.ru)

**Annotatsiya:** Мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор тараққий этишида ёқилғи-энергетика комплекси ва хусусан Республика учун асосий соҳалардан бўлган нефть ва газ саноати катта аҳамиятга эгадир. Углеводород ресурсларининг базаси — нефть ва газ соҳасини ривожини белгилайдиган омил бўлиб, нефть ва газ қазиб чиқариш ҳамда қайта ишлаш саноатларини таъминлайди.

**Kalit soʻzlar:** иқтисодиёт, нефть, табиий газ, Устюрт, Бухоро-Хива, Жануби-Ғарбий Ҳисор, Сурхондарё ва Фарғона.

## PROSPECTS OF FUTURE USE OF OIL AND GAS NATURAL RESOURCES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

**Abstract:** In the stable development of the economy of our country, the fuel and energy complex and, in particular, the oil and gas industry, which is one of the main sectors for the Republic, is of great importance. The base of hydrocarbon resources is a factor determining the development of the oil and gas sector, which provides oil and gas production and processing industries.

**Key words:** economy, oil, natural gas, Ustyurt, Bukhara-Khiva, Southwest Hisar, Surkhandarya and Fergana.

“Ўзбекнефтегаз” МХК таркибида 5 акционерлик компанияси жамланган бўлиб, булар нефть ва газга тегишли — геологик разведкадан бошлаб, тайёр маҳсулотни сотишгача бўлган ҳамма жараёнларни қамраб олган. Геологик разведка ишлари бунда алоҳида ўрин эгаллаган, чунки шуларнинг натижасида янги конлар очилиб, саноат миқёсидаги углеводород захиралари орттирилиб бормокда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон худудида нефть-газга маҳсулдорлиги исботланган бешта регион маълум: Устюрт, Бухоро-Хива, Жануби-Ғарбий Ҳисор, Сурхондарё ва Фарғона. Бундан ташқари, тўртта потенциал нефть-газли регионлар ҳам ажратилади – Хоразм, Ўрта Сирдарё, Зарафшон ва Марказий Қизилқум. Республика худудининг 63% дан кўпроғи нефть ва газга истиқболли ҳисобланади.

Нефть-газли регионлардаги маҳсулдор комплекслар палеозой эрасидан неоген давригача бўлган жинсларда учрайди. Нефть ва газ уюмлари бир неча юз метрдан 6000 метргача бўлган чуқурликларда ётади.

Ўзбекистон Республикасида саноат миқёсидаги маҳсулдорлиги белгиланган истиқболли ерларнинг жами майдони 203,7 минг кв.км га тенг.

Ўзбекистон Республикасида геологик-разведка ишларини бажариши бошланганидан ҳозиргача жами 260 углеводород хом ашёси конлари очилган, жумладан, Мустақиллик даврида 125 кон очилган. Фаза ҳолатига кўра конлар қуйидагича тақсимланади: 14 - газ, 118 - газ конденсати; 76 - нефть-газли ва нефть-газ-конденсатли; 52 - нефтли. Ўзлаштириш даражасига кўра улар қуйидагича бўлинади: ишлатилаётган конлар - 105, ишлатишга тайёрланиб, вақтинча тўхтатилган (консервация қилинган) - 86, разведка қилинаётган конлар – 69 та.

Нефть-газли регионларда конлар сони қуйидагича тақсимланади: Устюрт - 21, Бухоро-Хива - 176, Жануби-Ғарбий Ҳисор - 18, Сурхондарё - 14 ва Фарғона - 31.

Саноат аҳамиятига молик углеводород хом ашёсининг бошланғич қазиб олинадиган захираси 01.01.1991 й. санасига — 3,5 млрд. тонна шартли ёқилғига тенг бўлган бўлса, Мустақиллик йилларида уларнинг миқдори 1,5 баробарга кўпайди ва 5,3 млрд. тонна шартли ёқилғини (т.ш.ё.) ташкил қилди.

Сўнги 7 йил ичида (2010-2016 йиллар) Республикада 33 та кон очилиб, углеводород захираларини орттириш 372 млн.т.ш.ё. ташкил қилиб, чуқур излов-қидирув бурғилаш ҳажми 708 минг метрга етди.

Устюрт регионида истиқболли ерларнинг умумий майдони 113,1 минг кв.км. Нефть ва газларни излаш ишлари 50 йилдан кўпроқ вақтдан бери олиб борилади. Биринчи бўлиб, Шохпахта газ кони 1963 йилда очилган.

Саноат миқёсидаги маҳсулдорлик юра даври ва палеозой эраси ётқизиқларида аниқланган бўлиб, асосан газ конденсати уюмлари очилган. Нефть-газ уюмлари 1500 м дан 4500 м гача бўлган чуқурлик интервалларида жойлашган.

Геологик-разведка ишлари бошлангандан бери Устюрт регионида 21-нефть ва газ конлари очилган, улардан 1- газ кони, 1- нефть-газ-конденсат кони ва 19 - газ конденсати конлари.

Устюрт регионида саноат тоифасига мансуб, жорий УВ захирасининг улуши Ўзбекистон Республикасидаги конлар захирасига нисбатан 18,5 % га тенг.

Устивор йўналиш сифатида Устюрт регионининг марказий ва шарқий қисмини белгилаш мумкин. Углеводород хом ашёсини орттириш истиқболлари бу ерда юра даврига мансуб ётқизиқларга боғланиб келмоқда. Ҳозирга пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.02.2017й. даги Қарори — №ПҚ-2755 асосида, Устюрт регионининг марказий қисмидаги остки юра даври ётқизиқлари бўйича геологик разведка ишларини кучайтириш дастури ишлаб чиқилди.

Юра даври ётқизиқларидан ташқари палеозой эраси ётқизиқларининг истиқболи ҳам юқори деб ҳисобланмоқда. Ҳозирги вақтда бу ётқизиқларда 2 газ конденсати конлари очилди: Қорачелак ва Кўкчелак. Шунингдек, углеводород

оқимлари Марказий Қўшқайр, Чибина, Шимолий Урга, Қорақудуқ ва бошқа майдонлардан ҳам олинди.

Ўзбекистон Республикасида бажарилган геологик-разведка ишларининг таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, нефть-газли регионларнинг углеводородлилик потенциали ҳали жуда юқори. Шу сабабли нефть ҳамда газ уюмларини излаш бўйича тадқиқот ва бурғилаш ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ. Углеводород хом ашёсининг прогноз ресурслари салмоқли 8,6 млрд. тонна шартли ёқилғи миқдорида мавжуд. Шунга кўра, углеводородларнинг ресурс базасини орттириш учун геологик-разведка ишларининг ҳажмини янада ошириш юқори самара беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 2-февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг нефть ва табиий газга бой Устюрт минтақасида геологик тадқиқот ишларини жадаллаштириш ҳақидаги” қарори.

2. Закиров С.Н., Индрупский И.М., Закиров Э.С. и др. Современные основы теории и практики разработки месторождений нефти и газа. Часть 1 // Георесурсы. Геоэнергетика. Геополитика. (электронный научный журнал). – [http://oilgasjournal.ru/vol\\_2/articles/25.html](http://oilgasjournal.ru/vol_2/articles/25.html)